

Mustahkam oila – yurt tayanchi

QILA DAVTRASIDA

№ 40 (386)
2019 - yil
26 - sentabr
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



Тўйлар ҳақидаги янгиликлардан сўнг...

— Ҳеч иложи йўқ,
300 дан ошириш
мумкин эмас!

— Мен куёвнинг
энг яқин
жўрасиман, ахир?!
Кирмасам
бўлмайди...

7-бет



МАҲАЛЛАГА

нималар халақит бермоқда?

3-бет

КРЕДИТ умидида сарсон ТАДБИРКОР

5-бет



ПОРАНИ «ҳалол»лаб ОЛАЁТГАНЛАР...

6-бет

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

ОБУНА МАЖБУРИЙ ЭМАС, АММО...

Бир йил аввал ижтимоий тармоқларда мажбурий обуна муаммоси узоқ муҳокама қилинди. Оқибатда кўплаб босма нашрлар адади кескин равишда тушиб кетди. Уларнинг орасида маънавият ва маърифатни юксалтиришга муносиб улуш қўшиб келаётганлари ҳам йўқ эмас.

Аслида мажбурий обуна масаласига қарши кураш бир йил олдин бошланган эмас. Хоразм вилоят архивида 1927 йилда Хоразм округ компартия котибининг хуудларга юборган хати сақланади. Унда: «Обуна мажбурий эмас, аммо газеталар ҳақида халқ оммаси ўртасида тушунтириш, тарғибот ва тавсия ишлари кучайтирилиши шарт», деган жумлалар бор.

Бугун айримлар танганинг бир томонида эътибор қаратиб, обуна мажбурий эмас, демак, ҳеч бир нашрга обуна бўлмастик керак, қабилада иш тутмоқда. Бу эса маънавий фожиага замин ҳозирлаши шубҳасиз. Раҳбарлар ҳам юрак олдириб қўйган шекилли, улар халққа бирор вақти нашр обунасини тавсия қилишга журъат қилишмайди. Ахир даров ижтимоий тармоқларда жар соладиганлар ҳам йўқ эмас. Лекин ўша оғзининг таноби йўқ кимсалар энг муҳим жиҳатни унутган кўринади.

Бугунги кунда мамлакатимизда «Гулхан», «Гунча», «Тонг юлдузи», «Ёшлик» каби қатор ёшлар нашрлари чоп қилинади. Уларни ўқини, албатта, ёш авлод учун қони фойда. Ушбу нашрлар обунасига кўмаклашиш — фарзандларимиз маънавий тарбиясига муносиб хисса қўшиш демакдир.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлар иттифоқи таъсис йилгилидаги нутқида ёшларга оид нашрлар хусусида алоҳида тўхталиб шундай деган эди: «Ҳозирги вақтда ёшларга мўлжалланган «Туркистон» (ҳозирги «Ёшлар овози») газетаси 9500 нусхада, «Молодёжь Узбекистана» газетаси 2800, «Ёш куч» журнали 3000 нусхада чоп этилаётганини қониқарли баҳолаш мумкинми? Мамлакатимизда 10 миллиондан ортиқ ёшлар мавжуд бўлгани ҳолда бу рақамлар биз учун уят эмасми?»

Мамлакат раҳбарининг ушбу китобидан сўнг ёшларга оид нашрлар обунасини уюшқоқлик билан ташкиллаштириш юзасидан республика, вилоят ва туманлар миқёсида қарорлар қабул қилинди. Аҳвол қардадир ўнгланди, қардадир эски ҳаммом, эски тослигича қолаверди. Қўл остида меҳнат қилаётган, ўқийётган ёшларнинг маънавий-маърифий қиёфаси ва савияси шаклланишида матбуот мутоласа катта аҳамиятга эга эканини инobatта олмаётган айрим раҳбарлар бу масалага ҳамон панжа орасидан қараб келмоқда.

Натижаларга назар қилсак, ёшлар нашрларига обуна шармандали ҳолатда экани маълум бўлади. Юртимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил қиладиган ёшлар нимадан маънавий озик олади, нималарни ўқиб, ўқиб онги-шуури шаклланмоқда? Бу ҳақда бош қотиришининг пайти келмадимикан?

Айрим туманларда аҳволни ўрганганимизда ўқув-тарбия муассасаларида айнан ёшлар ўқиши зарур бўлган матбуот нашрларининг бир донаси ҳам йўқлигига гувоҳ бўлдик. Аксарият мактаб ва коллеж кутубхоналари республикамиз ва вилоятда чоп қилинаётган асосий нашрлар билан таъмин-



ланмаганини қандай тушуниш мумкин? Ахир ёшларнинг матбуот билан танишиб бориши — уларнинг маънавий тарбияси билан боғлиқ-ку! Ёшларга оид газета-журналларни ўқиш — Президентимиз таъбири билан айтганда, китобхонлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади-ку!

Умумтаълим мактабларининг раҳбарлари мактаб кутубхоналари учун даврий нашрлар жуда зарурлигини тан олишади. Бироқ маҳаллий ҳокимлик муассислигидаги газеталарга обуна бўлинмаса, қийин бўлишидан нолишади. Бир мактаб ўқитувчиларидан «иктиёрий-мажбурий» тарзда фақатгина ҳукумат ва ҳокимлик муассислигидаги газеталарга ўнлаб обуна ташкил қилиш талаб этилса, кимга арз-дод қилиш мумкин?

Олдимизда маънавий-миллий юксалиш масаласи турган экан, кимларгадир, қайсидир қорхона ва ташкилотлар учун матбуот нашрларига обуна қилдириш фақатгина фойда келтиради, холос. Каттагина завод-фабрикалар, идора ва муассасалар раҳбарларини ҳодимларини ўз холига ташлаб кўринг-чи, улар бирорта нашрга обуна бўлишармикан? Албатта, йўқ!

Бугунги кунда кўпчиликда обуна мажбурий эмас, деган ижтимоий фикр шаклланган. Бирон-бир раҳбарга обунанинг нима учун бунчалик ачинарли аҳволда экани борасида савол қотсангиз, «Обуна мажбурий эмас-ку!» дея жавоб беришади. Тўғри, обуна ҳар кимнинг ўзи танлови, уни мажбурий тарзда амалга ошириб бўлмайди. Бироқ даврий нашрлар обунасини кимдир назорат қилмаса, маънавий дангасалик авж олиши турган гап. Ахир, болаларга китоб ўқиб турингллар, деган билан улар шу куннинг ўзидаёқ кутубхона ёки дўконга қараб чопқилламайди. Уларга бир қучоқ китоб олиб келиб, олдига қўйсангиз ҳам саҳифасини титкилаб ҳам кўрмаслиги мумкин. Агарда шу китоблардан ўзингизга ёққанини танлаб олинглар ва ўқиб бўлгач, ўз таассуротингизни менга гапириб берингллар, деган талабни қўйсангиз, уларда маърифий масъулият шаклланади, китобга меҳр уйғонади. Албатта, катталар ҳам шундай, баъзан уларни нимагадир ундаш зарур бўлади. Акс ҳолда маънавий-маърифий дангасалик авж олиб, ўз хохиш-истагига кўра кўпчилик кишилар қўлига на китоб, на газета-журнал олишни исташмайди.

Эрпўлат БАХТ

ТҮРТ ЭГИЗАК ТУҒИЛДИ

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида яшовчи Жўраевлар хонадонда, бир йўла тўрт нафар эгизак фарзанд дунёга келди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими хабарига кўра, эгизакларнинг ота-онаси ўтган йили турмуш қурган.

— Даставвал тўрт эгизак кутаётганимни эшитганимда ҳам хурсанд бўлдим, ҳам кўрдим, — дейди бахтиёр она Шоира Жўраева. — Шифокорлардан миннатдорман. Мен билан елкама-елка туриб, яқин жигарларидек ҳам ўрлик кўрашди. Фарзандларим эсон-омон туғилишида ёрдам беришди.

Она операция столидаёқ тўрт нафар боласи, яъни икки нафар ўғил ва икки нафар қизалоқни бағрига олди. Болаларни парвариллашда бевосита ўзи иштирок этмоқда.

«АЛЛО, МЕТРОДАМАН...»

«ICT EXPO 2019» кўргазмаси доирасида сивов режимидаги 5G қурилмасининг намоиши ўтказилди.

Мутасаддиларнинг айтишича, Радиочастоталар бўйича Республика кенгаши ажратган полосалар лойиҳанинг биринчи босқичида Тошкентда бир йил муддатга сивов тарикасида фойдаланиш учун қўлланилади. Иккинчи босқичда эса сивов натижаларини инobatта олган ҳолда, вилоятларда фойдаланиш учун радиочастота полосалари ажратилади.

Энди Тошкент метрополитенининг Чилонзор йўналишидаги «Амир Темур хиёбони» ва «Мустақиллик майдони» бекатларида Metrotelecom билан ҳамкорликда Ucell мобил тармоғи ишлай бошлайди.

УЙ РОЗИЛИК БИЛАН БУЗИЛАДИ

Энди турар жой биноларини бузиш ҳақидаги қарор тўлиқ компенсация тақдим этилганидан сўнг қабул қилинади.

Бу Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий ҳуқуқи қафолатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳасида акс этган. Унга кўра, ер участкаси ёки унинг бир қисмини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши фақат мулк эгаси ёки доимий фойдаланувчи розилиги билан халқ депутатлари кенгаши қарори ёки Президент ва ҳукумат қарори билан амалга оширилиши мумкин.

Ҳужжат лойиҳасида кўчмас мулк объекти бузилиши ҳақидаги қарор фақат унинг эгасига тўлиқ компенсация тақдим этилганидан сўнг қабул қилиниши белгилаб қўйилмоқда.

ЎРТА ТАЪЛИМГА 19,9 ТРИЛЛИОН

Таълим соҳасини молиялаштириш учун 2017-2018 йилларда жами 10,4 триллион сўм ва 13,7 триллион сўм бюджет маблағлари ажратилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 19,9 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бу ҳақда Молия вазирлиги матбуот хизмати хабар берди.

Умумтаълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари учун 2017-2019-йилларда давлат бюджетидан жами 5,464 миллиард сўм маблағ ажратилди. Натижада, умумтаълим мактабларини қурилиш-таъмирлаш ишлари жадаллаштирилди, 2019 йилга келиб 2017 йилга нисбатан қурилиш-таъмирлаш ишлари 1,6 бараварга, шундан янги қурилиш 4,2 бараварга кўпайди.

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси 2019 йил 20 сентябрдан бошланганини эълон қилди, дея хабар берди ЎЗА.

Ўзбекистон муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайлов арафасида.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот марказида бўлиб ўтган мажлиси сайлов кампанияси билан боғлиқ ташкилий ишларга бағишланди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мажлисини очиб, сайловлар мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, истиқбол учун белгилаб олинган стратегик тараққиётнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Марказий сайлов комиссияси 2019 йил 22 декабри — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови куни, деб белгилади.

Мажлиса, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловини ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури тасдиқланди.

Бу йилги сайловда бешта сиёсий партия — «Миллий тикланиш» демократик партияси, Халқ демократик партияси, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси иштирок этади ва ўз номзодлари учун кураш олиб боради.

БИЛАСИЗМИ?

Сиёсий партия ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида 40 минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.


Бунда ҳар бир сайловчи битта ёки бир неча сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишга ҳақли.

Сайловчиларнинг имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилади.

Имзо тўплаган шахс томонидан сайловчиларни мажбурлаш ва ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА НИМАЛАР ХАЛАҚИТ БЕРМОҚДА?

Жиззах вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида 124 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Осовийшта маҳаллалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 68 тага кўпайди.



Бу ҳақда Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросига бағишлаб ўтказилган ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида маълум қилинди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, бошқарма ва ташкилот раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, прокурорлар, ички ишлар ва давлат солиқ инспекцияси раҳбарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, халқ қабулхоналари мудирилари иштирокида ўтказилган йиғилишни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раиси, вилоят ҳокими Э.Солиев бошқарди.

Йиғилиш кун тартибидagi масала юзасидан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шавкат Жавлонов маъруза қилди.

– Президентимиз ташаббуси билан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда ҳудудий кенгашиларнинг ташкил этилиши маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди, – дейди Шавкат Жавлонов. – Бу иш изчил давом эттирилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида маҳалла тизими ишини самарали ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг битта фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 3 та қарори, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2 та қарори қабул қилинди. Маҳалла ходимларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, йиғин раисларининг мавқеини кучайтириш, ваколатларини кенгайтириш, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кенгашир ҳамда фуқаролар йиғинлари учун кадрларни тайёрлаш, уларнинг касбий билим, қў-

никма ва малакасини ошириш, кадрларни маҳалла бошқаруви жараёнига қайта тайёрлаш мақсадида Тошкент давлат юридик университети хузурида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кадрларини тайёрлаш институти ташкил этилмоқда. «Мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва хал этишда маҳалла институтининг Халқ қабулхоналари ва секторлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби тўғрисида»ги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда, «маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла» принципи асосида ҳамкорлик тизими шаклида иш юритиш белгилаб берилди.

Буларнинг ҳаммаси маҳаллага яратиб берилган имкониятдир. Бугунги кунда қайси маҳаллада бу имкониятлардан фойдаланиб, иш тўғри ташкил этилган, фуқаролар билан ҳамкорлик ўрнатилган бўлса, ўша ерда ҳамжихатлик, меҳр-оқибат мухити хукм сурмоқда, кўнгилсиз ҳолатларга йўл қўйилмапти.

Хусусан, йилнинг ўтган даврида вилоятдаги фуқаролар йиғинлари фаоллари томонидан 214 минг нафардан ортик оилалар билан мулоқотлар ўтказилиб, аниқланган муаммоларнинг 93 фоизи давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бартараф этилди.

Энг муҳими, маҳаллалар томонидан 564 та оилаларнинг низолига барҳам берилди. 148 та оилалар ажралиб кетишдан сақлаб қолинди.

Қишлоқ аҳлининг китоба бўлган эҳтиёжини қондириш учун 34 та маҳалла идоралари хизмат биноларида кутубхоналар ташкил этилган. Улардан 23 минг 800 нафардан кўпроқ киши фойдаланаётди.

Қишлоқ аёлларини иш билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари доирасида катор қишлоқларда тикувчилик корхоналари барпо этилди. Хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш мақсадида 31 та маҳаллада тикувчилик ўқув курслари фаолияти йўлга қўйилди.

Бирок вилоятдаги шаҳар ва туман кенгашиларининг барчаси фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришда ўзларига берилган ваколатдан етарли фойдаланмапти. Натияжада маҳалла фаолиятини такомиллаштириш бўйича дастурда белгиланган вазифаларни амалга оширишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Йиғилишда ижтимоий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи

ҳолатларнинг олдини олиш, улар юзга келишига имкон бераётган сабаб ва шароитларни ўрганишда маҳалла раислари, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис, профилактика инспектори ҳамда унинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси билан ҳамкорлик етарли даражада ўрнатилмаганлиги жиддий танқид қилинди.

Баъзи жойларда профилактика инспектори ёрдамчиси штатига кадрлар танлашда етарли эътибор берилмаётди, ҳатто ушбу штатга бошқа ҳудудларда яшайдиган кишилар ишга қабул қилингани учрайд.

Барча профилактика инспекторлари ўзи ишлайдиган жойда турар жой билан таъминланган бўлсада, айримларининг бу уйда яшамаётганлиги маҳалла ҳаётини тўлиқ билмасликларига сабаб бўлаётди.

Айни шу омилар тўғрисида жорий йилнинг ўтган даврида 59 та маҳаллада, шу жумладан, Жиззах шаҳрида 11 та, Зоминда 9 та, Шароф Рашидов, Галлаорол туманларида 6 тадан, Арнасой, Зарблора 5 тадан, Форишда 4 та, Дўстлик, Мирзачўлда эса 3 тадан маҳаллаларда жиноятчилик кўпайди. Ёки бўлмаса, носоғлом диний гоялар таъсирга тушиб қолган оилалар сони вилоят бўйича 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 14 нафарга камайган бўлсада, Арнасойда 23 тага, Дўстликда 31 тага, Бахмалда 18 тага, Зоминда 4 тага ошди.

Бугунги кунда вилоятда жами 30 минг 573 фуқаро хорижий давлатларга турли сабаблар билан чиқиб кетган. Бирок уларнинг нима мақсадда кетгани, нима билан шугулланаётгани айрим фуқаролар йиғинларини кизиктирмаётди.

Тахлиллар туман, шаҳар кенгашилар томонидан фуқаролар йиғинларига етарли даражада услубий-амалий ёрдам берилмаётганлигини кўрсатаётди. Масъул ходимларнинг ишларини мувофиқлаштиришининг аниқ тизими яратилмаган. Бу эса амалга оширилаётган ишларнинг самарасизлигига олиб келмоқда.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар ва туман кенгашиларининг фаолиятини кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

ОТА БЎЛИШ – АВВАЛО МАСЪУЛИЯТ

Буни унутишга, фарзандни «ота» дейишдан мосуво қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ

Оилада фарзанд дунёга келар экан, у барчага бирдек қувонч улашади. Янги меҳмон, ўз навбатида, ота-онасига алоҳида масъулият ҳам юклайди. Агар оила ҳамжихат, ота-она оқил бўлиб болани яхши тарбия қилса оиладан етук инсонлар етишиб чиқади.

Лекин бундай оилани бунёд этиш учун нима қилиш керак?

..Чироқчи туманида яшовчи Абдор (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ҳамқишлоғи Дилфузага кўнгил қўйиб уйланди. Аммо тўй тадоригини кўраётган икки ёш нағдир қонуний никоҳдан ўтишни ортга сурди.

Ота-оналар ҳам бунга бефарқ бўлди. Тўйдан сўнг бир муддат яшаган эр-хотин ўртасида бора-бора турли гап-сўзлар кўпайди. Бехуда рашк авж олиб, оила кўргони дарз кетди. Ўзаро хурмат ва меҳр-оқибат йўқолди.

Дилфуза оғирроқ бўлишига қарамадан ота хонадонига қайтишга мажбур бўлди. Орадан кўп ўтмай кизи дунёга келди.

Буни қарангки, Абдор ўз фарзандига ота эканини тан олмади. Энг ёмони, қонуний никоҳ қайд этилмагани учун Дилфуза фарзандини ўз номига расмийлаштиришига тўғри келди.

Шундан сўнг Дилфуза қизалоғига нисбатан А.Қодировнинг оталигини белгилашини сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилди. Ўз навбатида, Д.Нурматованинг талаблари батафсил ўрганиб чиқилди ва қаноатлантирилди.

Оила кодексининг 62-моддасида белгиланганидек, ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онандан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси бўлса, ушбу кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

Оталикни белгилаш суд тартибида амалга оширилади. Бунда ота-онандан бири ёки боланинг васийси ё ҳимойиси ёхуд бола кимнинг қармоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек, бола вояга етгандан кейин унинг ўзи берган аризага асосланилади.

Оталикни белгилашда суд боланинг онаси бола туғилганига қадар эри билан яшагани, умумий рўзгор юритаётгани ёки улар болани биргаликда тарбиялаётгани ёхуд таъминлаб турганини ёки жавобгар оталикни тан олганлигини тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади.

Боланинг онаси билан бўлмаган, лекин ўзини боланинг отасидан, деб тан олган шахс вафот этган тақдирда, унинг оталик факти суд орқали белгиланиши мумкин.

Суд ушбу қонуний талаблардан келиб чиқиб, даъвогар Д.Нурматованинг 2018 йил 6 февралда туғилган фарзанди Сурайёга нисбатан жавобгар А.Қодировнинг оталигини белгилаш, шунингдек, фарзандининг таъминоти учун жавобгардан алимент ундириш ҳақида хал қилув қарори қабул қилди.

Мухтасар айтганда, оиланинг мустаҳкамлигини таъминловчи омилардан бири – бу қонуний никоҳдан ўтиб, оила қуришидир. Қолаверса, оила аталган муқаддас даргоҳни барпо этаётган ҳар бир йигит ва киз унинг ўзига яраша масъулияти борлигини англаши зарур. Айниқсан, фарзанд кўриш катта масъулият эканини ёшларимиз тушуниб етиши шарт.

Оилага енгил қараш, фарзанд масъулиятини англамаслик эса юқоридаги каби чалқашликларга, энг ёмони, боланинг тирик етим бўлишига сабабчи бўлаётгани ачинарли. Бу фикрларни ёзишдан мақсад – оила қуриш остонасида турган йигит ва қизлар бундан ўзларига тегишли сабоқ чиқарса ёмон бўлмади.

Ҳабиба ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Чироқчи туманлараро суди судьяси



НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

Қариндошлар ишончи қоғозсиз тан олинади

Якин қариндошлар ўртасида нотариал тасдиқланган автоишончнома бекор қилинади.

Транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси эгасининг якин қариндошлари (отана, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) ўртасида транспорт воситасидан фойдаланиши ва бошқариш тўғрисидаги ишончномани мажбурий нотариал тасдиқлаш тартиби бекор қилинади.

Қайта суғурталовчилар учун янги тартиб

Қайта суғурталовчи суғурта мажбуриятларини қайта суғурталаш учун хорижий суғурта ташкилотларига беришдан аввал бериладиган суғурта мажбуриятларининг камида 50 фоизи миқдорда қайта суғурталаш бўйича оферта (қайта суғурталаш бўйича шартнома тузиш таклифи)ни суғурта ташкилотларига юбориши шарт.

Энди аниқ ташланг: алкоголь ва тамаки учун солиқ ошади

Алкоголли маҳсулотнинг акциз солиғи ставкаси ўрта ҳисобда 10 фоизга, тамаки маҳсулотининг акциз солиғи ставкаси 20 фоизга оширилади.

Солиқ соҳасидаги бошқа ўзгаришлар:

2019 йил 1 октябрдан:

- бензин, дизель ёқилғиси ва газни ёқилғи қуйиш станциялари орқали охири истеъмолчиларига сотадиغان юридик шахслар, ушбу товарларни сотишдан тушумнинг миқдоридан қатъи назар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланади;

- товарларни импорт қилувчи тadbиркорлик субъектлари, товарларни сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланадилар;

Қуйидагилар бўйича қўшилган қиймат солиғида, шу жумладан импорт қилинганда ҳам, имтиёзлар бекор қилинади:

- асбест, кўмир, ёғоч материаллари, ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар, углеводород хом ашёси;

- соя данаги, кунгабоқар ва кунжут уруғлари, мойли хом ашё ва шакар хом ашёси;

- кишлоқ хўжалиги техникаси, автотранспорт воситалари, автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик асбоб-ускуналар;

- юридик шахсларнинг тижорат банкларига жойлаштирган маблағларидан фоиз кўринишида олинган тўлов манбаини фойда солиғидан озод қилиш бўйича имтиёзлар бекор қилинади.

Шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан белгиланган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинади.



Меҳнат мигрантларига микроқарзлар берилади

Меҳнат мигрантларига хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун бир банк куни давомида тез расмийлаштирилган ҳолда энг кам талаб қилинадиган ҳужжатлар (паспорт, ариза ва меҳнат оранининг илтимосномаси) асосида 2019-2020 йилларда 10 фоиз ва 2021 йилда 12 фоиз ставкада 2 млн. сўм миқдорда 1 йил муддатга микроқарзлар берилади.

Шунингдек, суғурта компанияларига йилига бир мартаба суғурталанган ҳар бир меҳнат мигранти учун 50 минг сўм миқдорда бир марталик субсидиялар тақдим этиш амалиёти жорий этилади.

Қонун лойиҳалари электрон «айланади»

Қонун ҳужжатлари лойиҳалари электрон кўринишда келишилади ва киритилади.

2019 йил 1 октябрдан бошлаб ва кейинги даврда — манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқилган ва келишилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳужжатлари лойиҳалари келишиш (виза қўйиш) ҳамда кейинчалик қабул қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига фақат Ягона электрон тизим орқали электрон кўринишда киритилади.

Эскисини олиб бориб, янгисига алмаштириш мумкин

Юртимизда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари эгалари учун ўзларига тегишли автотранспорт воситаларини топшириш ҳамда улар қийматидаги фарқни тўлаш орқали маҳаллий автомобилларнинг янгисини харид қилиш имконини берувчи «TRADE-IN» дастури жорий этилади.



Ер участкалари фақат «E-IURO AUKSION» орқали тақдим этилади

Тadbиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкалари республиканинг барча ҳудудларида фақат «E-IURO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали тақдим этилади.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга «YERELEKTRON» ААТда аниқ инвестиция мажбуриятлари билан бирга ер участкаси ва режалаштирилаётган қурилиш майдончаси тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш тўғрисида тақлифлар киритиш ҳуқуқи берилади.

Бундан ташқари, ер участкасини танлаш материалларини келишиш ва (ёки) у бўйича хулосалар бериш ваколатли ташкилотлар томонидан фақат электрон шаклда «YERELE-

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ — БУ БИРОР БИР ЖАЗОНИ ҚўЛЛАШ БИЛАН ТАҲДИД ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ИШ БАЖАРИШГА МАЖБУРЛАШДИР.

ҲУКУМАТ ҚАРОРИ БИЛАН ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИ ҚУЙИДАГИЛАРГА ЖАЛЕ ҚИЛИШТА ЧЕК ҚИЛИШ ВАЗИФАСИ ЮКЛАНГАН:

- туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ишларига
- маъмулий қишлоқ хўжалиги ишларига
- металла чиқиндилари ва макултура йиғишга
- бошқа турдаги маъмулий ишларга

ҚАШАРЛАР ҚУЙИДАГИ ШАРТЛАРГА АСОСАН ФАҚАТ ИХТИЕРИЙ ТАРЗДА УТҚАЗИЛАДИ:

- улумхалқ қашарини ўтқазиш тўғрисида фақат Президент ёки Ҳукуматнинг тегишли ҳужжати бўлганда
- тегишли ташкилот ҳудудида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик нормаларига қатъий риоя этилган ҳолда
- қашарлар доирасида қурилиш-таъмирлаш ва қишлоқ хўжалиги ишларига мажбурий жалб этишга йўл қўйилмаган ҳолда

Қуйидаги ҳудудларда икхтиёрий ташаббус билан ҳан қашарлар ва бошқа ишларини ўтқазиш таққиланади:

- автомобиль йўллари, ҳаракатланиш тизим бўлган қўчалар;
- сув объекти, қирғоқбойи ҳудудлар ва зоналар;
- қурилиш майдонлари, бино ва иншоотлар томлари;
- захила ишлаб чиқариш объектилари, шунингдек, инсонларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғилиши юзга келиши мумкин бўлган бошқа жойлар.
- қарбрий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонуний асосда;
- факулдада ҳолат юз берган шартларда;
- сўдинг қонуний кучга кирган ҳудудга биносиз;
- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда (масалан, маъмурий қароқча олинган шахслар жисмоний ишларда фойдаланилади).

МЕҲНАТГА МАЪМУРИЙ ТАРЗДА МАЖБУРЛАШ:

↑ 2 230 000 сўмдан ↑ 6 690 000 сўмгача	ТАҚРОРАН СОДИР ЭТИЛГАНДА ↑ 6 690 000 сўмдан ↑ 22 300 000 сўмгача
↑ 6 690 000 сўмдан ↑ 11 150 000 сўмгача	БОШГА ЕТМАГАН ШАХСГА НИСБАТАН СОДИР ЭТИЛГАНДА ↑ 11 150 000 сўмдан ↑ 22 300 000 сўмгача

миқдорда жарима солинишга сабаб бўлади.

Ижро ҳужжатларининг ягона электрон базаси юритилади

Мажбурий ижро бюроси Ижро ҳужжатларининг ягона электрон базасини юритади, унга тегишли маълумотлар базаси тизимлари билан интеграция қилиш йўли билан қуйидагилар киритиб борилади:

- ижро органлари юритувига келиб тушган барча ижро ҳужжатлари;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) томонидан солинган ва ундирилган маъмурий жарималар ҳақидаги маълумотлар.

«Меҳрибонлик» уйлари ходимларининг тариф ставкалари ўзгаради

«Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари раҳбар ходимлари ва олий маълумотли тарбиячилари ҳамда барча турдаги халқ таълими муассасаларининг олий маълумотли тарбиячиларининг базавий тариф ставкалари миқдорларини умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагог ходимлари базавий тариф ставкаларига тенглаштирилади, бунда айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбиячилари учун кўзда тутилган устама бекор қилинади.

Шунингдек, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсон бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячиларига меҳнатнинг алоҳида шaroитлари учун ҳар ойда тўланадиган устама ҳақи лавозим маошининг 75 фоизи миқдорда тўланади.

Қайси нашриётлар лицензия учун давлат божи тўламайди?

Болалар адабиётлари, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган маҳсулотлар чоп этишга ихтисослашган нашриётлар ноирилик фаолиятини амалга оширишга лицензия берганлик учун давлат божи тўлашдан озод қилинади.



Ер участкалари фақат «E-IURO AUKSION» орқали тақдим этилади

Ер участкасини танлаш материаллари юзасидан Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, ёнгин хавфсизлиги худудий бошқармалари ва бўлимлари, санитария-эпидемиология назорати хизматининг худудий ташкилотлари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари, туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекцияларининг хулосасини олиш талаби бекор қилинади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг аукцион фолийи номига ер участкасини ажратиш бўйича қарор қабул қилиши тўғрисидаги талаб бекор қилинади.

КРЕДИТ ДЕСАЛАР, ЎРТАДА САРСОН ТАДБИРКОР

ЁХУД ҚУРИЛИШИ БОШЛАНГАН БОЛАЛАР БОҒЧАСИ УЧУН РЕСУРСНИ ЯНА ҚАНЧА КУТИШ КЕРАК?

Хеч кимга сир эмаски, яқин-яқингача мамлакатимизда мактабгача таълим тизими энг қолқоқ соҳалардан бири бўлиб келаятган эди. Президентнинг соҳага алоҳида эътибори билан янгиликлар эпкинни эса бошлади, минглаб ота-оналар фарзандини боғчага бериш умидида бениҳоя қувонди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Мактабгача таълим тизimini янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан бу ишларга ҳуқуқий пойдевор қўйилди.

Вазирлар Мақҳамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик шакллари янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан мактабгача таълим муассасаларининг янги биноларини қуриш, бу ишга тадбиркорларни жалб этиш ва уларга имкониятлар яратиш бошлаб юборилди. Болаларни мактабгача таълимга қамрови ошди. Бунда албатта боғча-уйлар ва давлат шерикчилиги асосида қуриляётган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг роли катта бўляётганини таъкидлаш лозим.

Хоразмлик тадбиркор Умаржон Худойберганов ҳам нодавлат мактабгача таълим муассасаси очини ният қилиб Қўшқўпир туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилади. Тадбиркорнинг ушбу мурожаати атрофлича ўрганиб чиқилгач, ҳақиқатан ҳам тумандаги

Ушбу битимда томонларнинг мажбуриятлари аниқ-равшан ўз аксини топган. Битимда кўрсатилишича давлат шерикчилиги асосида қуриляётган мазкур МТМга давлат томонидан ажратилаяётган кредит маблағи 4 миллиард сўм бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Демак, нодавлат мактабгача таълим муассасасининг умумий смета баҳоси 5 925 419 769 (беш миллиард тўққиз юз йигирма беш миллион тўрт юз ўн тўққиз миң етти юз олти миң тўққиз) сўмни ташкил этади.

Тадбиркор битимда кўрсатилган 1 миллиард 925 миллион сўмдан зиёд хажмдаги қурилиш ишларини бажариб қўйди. Энди давлат томонидан тадбиркорга бериладиган имтиёзли кредит маблағларини олиш ва қурилишни кишининг қировли кунларига қолдирмасдан қуриб битказиш кўнда-



Тўхтаб қолган қурилиш ишлари

Кенагас кишлоғи ҳудудида жойлашган Қоромон маҳалласида болалар боғчаси йўқлиги боис тадбиркор Умар Худойбергановнинг аризаси қаноатлантирилди, унга туман захирасида турган ердан 7000.0 кв. метр ер майдони ажратиш тўғрисида туман ҳокимининг 2019 йил 11 февралдаги 1105к-сонли қарори чиқарилди. Шундай қилиб 200 ўринга мўлжалланган «Шоҳ-Султон-Азиз» нодавлат таълим муассасаси қурилишига тамал тоши қўйилди.


Тадбиркор Умар Худойберганов қурилиш учун архитектура лойиҳа ҳужжатлари тайёрлатиб, вилоят давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясидан қурилишга рухсатнома ва хулосалар олгач, ўз маблағи ҳисобидан қурилиш ишларини бошлаб юборди.

Қурилиш ишлари жорий йилнинг февраль ойида бошланган бўлса апрель ойига келиб бинонинг биринчи қавати тўлиқ битказилиб, томи бетон плиталар билан ҳам бостирилди. Бу орада, тўғривоғи 2019 йилнинг 6 майида 0280-944/13 сонли «Шоҳ-Султон-Азиз» нодавлат мактабгача таълим муассасаси билан Мактабгача таълим вазирлиги ўртасида битим ҳам имзоланди.

ланг масала эди. Умар Худойберганов АТБ «Инфинбанк» Хоразм вилояти бўлимига кредит олиш учун мурожаат қилади. Орадан 5 ойча вақт ўтсада кредитдан дарак бўлмади. Қурилиш ора йўлда қолиб кетади. Режага кўра Муस्ताқиллик байрами арафасида ишга тушиши мўжжалланган мазкур боғчада маблағ йўқлиги сабаб ёзи билан биронта ҳам иш қилинмади.

Бу ишлардан ҳафсаласи пир бўлган, яхшигина маблағини ҳали йўқ нарсага «тикиб» қўйган тадбиркор турли идора ва ташкилотларга мурожаат қилади. Мурожаатларнинг айримларига жавоб келади, айримлари шунчаки қўрилиб қўя қолинади. «Инфинбанк» Хоразм вилояти бўлими ҳамма ҳужжатларни тўғрилаб юқори ташкилотларга жўнатгани, аммо улардан жавоб йўқлигини айтишдан нарига ўтмайди.

Келишувдаги кредитни вақтида ажратиб беришларини сўраб республика прокуратурасига ҳам, мактабгача таълим вазирлигига ҳам, молия вазирлигига, халқ қабулхоналарига ҳам мурожаат қилдим, ҳеч наф бўлмаёттир, — дейди тадбиркор У.Худойберганов. — Молия вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги



Лойиҳа




банка мурожаат қилади. АТБ «Инфинбанк» Хоразм вилояти бошқарувидан тадбиркор билан суҳбат бўлиб ўтади. Тўғривоғи банк ҳақиқатан ҳам барча ҳужжатларни тўғрилаб жўнатганини исботлайди.

Бизнингча энди ҳамма гап Мактабгача таълим вазирлигидан қолдиё. Улар рўйхатни тўғри шакллантириб бера Молия вазирлиги ресурс ажратадиган. Тадбиркорни оваран сарсон қилмасдан ўз вақтида кредит маблағларини ажратиб беришганида олам гулистон эмасми.

Президент жон қуйдириб, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бераётган, қолаверса «Икки одамни иш билан таъминлаган тадбиркорни бошимга кўтараман», деб турганда бундай ҳолатларга йўл қўяётган мутасаддилар ишини қандай баҳолаш мумкин? Бу тадбиркор фаолиятига, жамият ривожига тўсиқ эмасми? Булар юзасидан Мактабгача таълим ҳамда Молия вазирликларидан аниқ жавоб кутамиз.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
журналист

1 октябрь — «Дстоз ва мураббийлар» кўни



ПОРАНИ «ҲАЛОЛ»ЛАБ ОЛАЁТГАНЛАР КИМ?

ПОРАХЎРЛИК – ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ЖИДДИЙ ТЎСИҚ.

**ПОРАХЎРЛИК – НОҚОНУНИЙ, НОПОК ЙЎЛ БИЛАН
МОДДИЙ БОЙЛИК ОРТТИРИШ...**

Порахўрлик ҳақида кўплаб салбий фикрларни билдириш мумкин. Узоқ ўтмишдан буён кескин курашиб келинадиган бу иллат ислом динида Қуръон оятлари, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадислари ва бутун уламолари иттифоқи билан харом қилингандир. Уламолар пора харом эканига қуйидаги оятларни далил қилиб келтирганлар:

(Улар) ёлгон (тўқиб) учун Сизга қулоқ соладиган ва харомни ейдиганлардир (Моида сураси, 42-оят).

Ҳасан ва Саъид ибн Жубайрлар ояти қаримадаги «харомни» сўзини «пора» деб тафсир қилганлар.

Муфассирлар, ояти қаримада мусулмон билиши ва эҳтиёт бўлиши муҳим бўлган иккита салбий сифат ҳақида сўз бормоқда. Биринчиси ёлгон гап бўлса, иккинчиси, харом касбдир, дедилар. Шунингдек, ояти қаримадаги мазкур сўз умумий маънода ишлатилиб, ноқонуний, нопок йўллар жумладан, ўғрилик, куч ишлатиш, монополик хатти-ҳаракатлар, алдамчилик, мансабини суистеъмол қилиш, ёлгон ишлатиш, товламачилик ва бошқалар орқали эришилган ҳар қандай молу давлат ирода қилинади.

Яна бир ояти қаримада Аллох таоло шундай марҳамат қилади. «Мол (ва бойлик)ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз! Шунингдек, билда туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўли билан ейиш (ўзлаштириш) мақсадида уни хокимларга ҳавола этмангиз!» (Моида сураси, 188-оят)

Ояти қаримада инсонлар бир-бирлари молини харом йўл билан жумладан, қимор, тухмат қилиш, хиёнат қилиш, пора олиш ва бошқа нопок йўллар билан ўзлаштириш орқали ейишдан қайтармоқда. Бировнинг ҳақи қандай йўл билан ўзлаштирилмасин, у харомдир.

Зеро, ҳалол-пок яшаш ва бошқаларнинг ҳақиға роя қилиш юксак фазилатдир. Унинг акси разолат ва қабохатдир.

Уламоларимиз ояти қаримадаги буйруқ гарчи мусулмонларга қаратилган бўлсада, мусулмонлар бошқа дин вакилларига тегишли бўлган мол-мулкни ноқонуний ва нопок йўл билан ўзлаштириб олишлари мумкин эмас, харомдир, деганлар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадиси шарифда шундай дедилар:

Абдуллох ибн Амр розияллоху анхумодан ривоят қилинади.

«У «Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам пора берган-

ни ҳам, пора олгани ҳам лаънатладилар», дедилар». (Имом Термизий ривоят қилган).

Яна бир ривоятда эса, «Иккисини ўртасидаги ўртақашини», дейилган.


Аслида бировни лаънатлаш мўмин кишига хос фазилат эмас. Аммо қимни Аллох ёки Унинг Расули лаънатласа, демак, ўша амал мўмин кишининг дунё ва охираги учун ўта хатарли эканлигига далolat қилади.

Ҳўш, порохўрликнинг инсон ва жамият ҳаётига қандай салбий таъсири бор?

Барча маънаб уламоларининг иттифоқига кўра юқоридagi ояти қарималар ва ҳадиси шариф асосида пора олувчининг пора сифатида олган пули ва бошқа моддий товар бойликлари харом дейилган. Динимизда бирор касб харом қилинса, ундан топилган бойлик ҳам харом ҳисобланади ва у харом лўкма деб қаралади.

Ҳадиси шарифларда харом лўкмани истеъмол қилиш инсоннинг ахлоқи, дини ва соғлом турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатиши очик-ойдин айтилган. Харом лўкма инсоннинг дуо-илтижолари Яратганининг хузурда қабул бўлишидан тўсиқдир. Бу банд ва Аллох ўртасидаги муносабатнинг ёмонлашуви демакдир. Зеро, агар бир бандани Аллох ўз ҳолига ташлаб қўйса, ҳаргиз нажот тополмас. Унинг кўзлари кўрсада, ҳақиқатни кўролмайдди, қулоқлари эшитсада ҳақиқатни эшитолмайдди, тили сўзласада ҳақиқатни гапира олмайди. Ҳаётининг мазмун-моҳияти йўқолади.

Инсон ёшлигидан илм-маърифатга интилади. Ўқиб эл-юрт равнақи учун етуқ мухтассис бўлиб етишишни орзу қилади. Аммо ўқиб ёки ўзига муносиб иш давомида турли тўсиқлар, жумладан, танглайи «пора» билан кўтарилганларнинг гирдобига тушиб қолади. Пора бериб ўқийди, пора бериб ишга қиради ва табиийки, ўзи



ФАРЗАНДИГИЗ КЕЛАЖАГИГА ХИЁНАТ

ҳам порохўр бўлиб етишади. Бу инсонда нафақат илм ва маърифатга бўлган қизиқиш ва интилишларини сўндиради балки дунёқарашини ҳам бутунлай ўзгартириб юборади.

Порахўрлар «мен олмасам бошқаси олади» ёки «даврнинг келди қаддигни ур» деган гапларни «шиор» қилиб оладилар. Натижада, аслида динимизда харом саналган нарсани «ҳалол» қилиб оладилар. Бу иймонга салбий таъсир қилувчи жуда катта гуноҳдир.

Аҳли сунна вал жамоъа эътиқодида кўра, қим Аллохнинг оятлари, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳадислари ва ижмоъ (бутун уламолар иттифоқи) билан харом қилинган нарсани ҳалол санаса диндан чиқади. Шу боис, пора олувчи ва пора берувчи масаланинг мана бу тарафи борлигини ҳам унутмаслиги лозим.

Порахўрлик одатда мансабдор шахслар ва фуқаролар ўртасидаги муносабатда кенг тарқалган бўлади. Амалдорларнинг ўз вазифаларини суистеъмол қилиб, шахсий манфаатларини биринчи ўринга қўйган ҳолда давлат мол-мулкдан фойдаланиши жамиятнинг турли хил жабаҳаларда ўсиш ва ривожланишда тўхтаб қолиши, оддий халқнинг ислохотларга бўлган ишончи йўқолиши, одамларнинг ўз ҳаётларини

ўзгартиришга қаратилган ташаббуслари йўққа чиқиши сингари ўта салбий ҳолатларга олиб келиши инкор қилинмайдиган ҳақиқатдир. Шу боис, порохўрлик биринчи навбатда мансабдор шахсларда ўз вазифасига нисбатан масъулиятсизликни келтириб чиқаради.

Порахўрлик кенг тарқалган жамиятда коррупция авж олади. Адolat ва қонун устуворлиги каби тушунчалар бегона бўлиб қолади. Инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлади. Инсонлар ўртасида тенгҳуқуқлик тамойиллари бузилади. Суд минбарларида ёлгон гувоҳлик бериш, тухмат ва бўхтонлар уюштириш одат тусига айланиб қолади. Бу инсон ва жамият ҳаёти учун ҳам ўта хатарли бўлган гуноҳлардир.

Порахўрлик инсонларда илм, маърифатга бўлган қизиқишини, ўз касбининг моҳир узтози бўлишига интилишини сўндиради. Илмда тараққиёт бўлмайди. Ҳатто тақдир ҳам қила олмайди. Қашфиётларнинг муқофоти қарсақдан бошқа ҳеч нарса бўлмай қолади.

Порахўрлик авж олган жамиятда мансаблар пулга сотилади. Билим ва тажрибанинг аҳамияти қолмайди. Номуносиб «мутахассислар» бошқарувни эгаллайди. Мақсади халқ манфаати ва инсонлар қори эмас, балки шунчаки обрў эътиборга эга бўлиш ва молу давлат тўплаш.

Ҳўш, порохўрликка қарши қандай курашиш мумкин?

Биринчидан, ўзимизда ва

фарзандларимизда ҳалол касб, ҳалол меҳнат ва ҳалол ризқ каби тушунчаларни шакллантириш зарур. Зеро, Аллох таоло Қуръони қаримда бандаларини ҳалол-пок нарсалардан ейишга буюриб шундай марҳамат қилди:

«Эй, одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан тановул қилингиз ва шайтоннинг изларидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир». (Бақара сураси, 168-оят)

Сахл ибн Абдуллох: «Нажот уч нарсда – ҳалол ейиш, фарзларни адо этиш ва Пайғамбар алайҳиссаломга эргашилда», деганлар.

Дарҳақиқат, инсон ер юзидagi мавжуд неъматларнинг ҳалол-покларидан тановул қилиш учун ҳалол касб қилиши, ҳалол меҳнат қилиши ва ҳалол ризқ топишга интилиши лозим. Таъкидлаш жоизки, пора олиш ва пора бериш инсон учун энг катта душман – шайтонга эргашидир. Қим Аллохни ва унинг Пайғамбарини қўйиб шайтонни дўст тутса ҳаргиз нажот топа олмас. Балки ҳалол касб қилишнинг ўзи битта савоб бўлса, ҳалол касб қилиб рўзгор тебратиш яна битта савобдир. Рўзгоридан орттириб мухтожларга ҳам хайру саховат улаштириш савобинг яна ҳам кўпайишига олиб келади.

Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади:

П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссалоту вассалом: «Қим ҳалол касбидан бир дона хурмо миқдорича садақа қилса, зотан Аллох ҳалолдан бошқани қабул ҳам қилмайди, албатта, Аллох уни ўнг қўли билан қабул қилади ва сизлар тойчоқни ўстирганингиздек, ўстириб, Ухд тоғича қилади», деганлар (Имом Муслим ва Имом Термизийлар ривоят қилган).

Иккинчидан, қундалик ҳаётимизда бажаришимиз лозим бўлган ишларни пора йўли билан ҳал қилмаслик;

Учинчидан, пора эвазига тақлиф қилинган ўқиб, иш ва лавозимларга рад жавобини бериш;

Тўртинчидан, атрофдагилар, жумладан оила аъзоларимиз ва дўстларимизни пора олиш ва пора беришнинг дунё ва охира учун ўта хатарли гуноҳ эканлигидан огоҳлантириш.

Бир сўз билан айтганда, порохўрлик иллатига ботган қимса ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

Маъмуржон ЭРКАЕВ,
исломшунос

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашлари томонидан «Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарор ва Низомнинг тасдиқланиши мамлакатимиз аҳолисини қувонтирди. Чунки ушбу қўшма қарор ижрога киритилиши билан турмушимизда, маданий ҳаётимизда катта ўзгаришлар бўлиши, бу борада ҳал этилмай келинаётган жиддий муаммо ва камчиликлар бартараф этилиши, халқимиз фаровонлигининг сезиларли тарзда ошиши, тўй баҳонасида бўлаётган исрофгарчиликларга барҳам берилиши, тўйчилар ўртасида «мен сендан кам эмасман» тарздаги зарарли чиранишлар бўлмаслиги табиий.

КАДРИЯТДАН ТАШВИШГА АЙДANAЁТГАН МАРОСИМ



Тўй-ҳашамлар, маърака-маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар орқали шухратпарастлик, ўзини, бойлигини кўз-кўз қилиш, атрофдагиларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолисини инобатга олмастик, энг дахшатлиси, тўй ва тадбир давомида исрофгарчиликка йўл қўйиш, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизни очикдан-очик менсимаслик каби иллатларнинг пайдо бўла бошлаганига жуда ҳам кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган асрнинг олтинчи йилларига таў-ҳашамлар ўтказиш тугул одамлар қандай оғир аҳволда яшаганини, оочарчилик, қаҳатчилик туфайли қанча-қанча одамнинг ёстиги қурганини, бир бурда нонга зор бўлган қунарлини унутдик.

Тинчилик ва омонлик бўлган узок ва яқин ўтмишда ҳам тўйчилар ўз имкониятлари ва шароитидан келиб чиқиб эл олдида дастурхон ёзган. Ўша замонларда ҳам бой-бадавлат, ўзига тўқ одамлар кўпчирли, курашли, дорбозли ва қизиқчи-артистли, бахшилар баҳсию санъаткорлар мусобақаларини ташкил этиб, данғиллама тўйлар қилган, етти иқлимдан меҳмонларни чорлаш баробарида, маҳалла-қўйдаги етим-есир, бева-бечора, камбағал-ночор, кексаларни ҳам тақлиф этиш, сийлашни, меҳмон қилишни унутмаган. Қўл учидан кун кўрадиган ёки ўртаҳол одамлар эса яқинлари ва маҳалла аҳли билан ўтказиладиган одми, камчиким, ортиқча даҳмазаларсиз тўй қилиб, фарзандлари, неварачеварларини элга қўшган.

Бирок кейинги вақтларда одамлар ўртасида кимўзарга тўй қилиш орқали дабдабозлик, манманлик, сохта обрў ортиришга интилиш, тўқликка шўхлик тарзида ўйлаб топилаётган, миллий кадриятларимизга мутлако зид турфа, янгича урф-одатларнинг авж олиши кўпчиликни ташвишу хавотирга солиб қўйди. Бундай тўйларда халқимизнинг азалий маънавияти, маданияти эмас, балки айрим калондимоғ кимсаларга хос мактанчоқлик, хўжақўрсинлик, қибру хаво намойиш этила бошлади. Бу хатти-харакатлар натижасида жамиятда «мен сендан камми» тарзидаги тақдирчилик иллати келиб чиқди.

Хўш, яхши ниятлар билан бошлаган тўй ёки оилавий маросимни нега ўзингиз хоҳлагандек ўтказма олмайсиз? Нега тўйни аввалги пайтлардагидек ховлида ёки кўчанинг бир қисмининг ёпиб қўйиб ўтказишнинг иложи йўқ? Ҳозир ўтказиладиган тўйларнинг инон-ихтиёри осмонўпар, ҳасрифат базмгоҳлар эгасию тўйдан тўйга юрадиган «санъаткорларга» боғлиқ. Улар билан келиша олсангиз марра сизники.

Айтايлик, кейинги оининг ўрталарида тўй қилмоқчисиз. Ҳамма нарса тайёр. Режангиз ва имкониятингизга кўра, камрок меҳмон тақлиф қилмоқчисиз, аммо базмгоҳ эгаси («меҳмонлар камиди 400 (агар 600 ёки 700 демас) нафар бўлиши керак, бўлмаса бошқа базмгоҳга

боринг» дейди. Бунинг устига яна хар бир меҳмонга 150-200 минг сўмлик дастурхон қилиниши, таомномада эса турли таомлар, курук мевалар, қанд-курс, ширинликлару пишириқлар, балиқ таомлари ва ичимликлар бўлиши шарт, агар шундай қилмасак, базмгоҳимиз обрўига тўғри келмайди, деб туриб ҳам олади.

Сиз истаган санъаткорларга эса қўлингизетмайди, уларга яқинлашишингиз ҳам имкони йўқ. Базмгоҳ эгаси санъаткорларнинг ҳам иложини топади. Аммо нархлар осмонда, на илож, базмгоҳ эгасининг айтганига кўнасиш. Булардан ташқари, базмгоҳнинг фалон пулга хизмат қиладиган видеотасвирчилари, суратқашлари, бошловчиси ҳам бўлади, улар ҳам тўйчилар ҳисобидан фаолият юритади.

Ана сизга харажату мана сизга базми жамшид. Тўйга келган меҳмон таомлардан нари борса, ўттиз-қирк минг сўмлик истеъмол қилиши мумкин. Бундай тўйларнинг турган-битгани исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас.

Тўйга тақлиф этиш ҳам тўй маданиятининг бир бўлаги ҳисобланади. Яқин вақтларгача тўйга оғзаки тарзда тақлиф этилар эди. Одамларнинг иш, турмуш ташвишлари, турли юмушлар билан чалғиб, тўйни унутиб қўймастикларини таъминлаш мақсадида тақлифнома тарқатиш одат тусига кирди. Аммо бугунги кунга келиб тақлифномалар ҳам тўйчиларнинг қандай мавке ва имкониятга эга эканини кўрсатувчи воситага айланди. Тақлифномаларнинг бугунги нархи 3 минг сўмдан 60 минг сўмгача эканини бошига тушмаганларнинг ҳаммаси ҳам билмаса керак?!

Атрофдагилар билан ҳисоблашмайдиган айрим каттазанг одамлар ўзларининг кимликларини кўрсатиб қўйиш мақсадида дабдабали тўй, маросимларга ҳисобсиз маблағ сарфламоқда. Уларга кўр-кўрона, элчилик деб эргашаётган камхарж инсонлар эса тўй ва маъракалар туфайли қарзга ботмоқда, қарзини вақтида узолмагани оқибатида оилалар барбод бўляпти, қариндош-уруғлар бегоналашиб, ўйламай тўй қилган одамлар соғлиғидан айрилмоқда. Қанийди, бундай дабдабалар янги қурилаётган оилаларнинг мустақамлигига, бардавонлигига қафолат бўлса...

Фарзандлари бахти учун ҳамма нарсага тайёр ўзбек халқидек болажон миллат дунёда кўп бўлмаса керак. Болалари туғилган кундан бошлаб бутун кучини, топган-тутганини тўйлар қилишга, уйлар қуришга сарфлайди, ўзининг роҳат-фароғати, ҳатто салаоматлигини ҳам ҳеч қачон ўйламайди, ўйлашга вақти ҳам

йўқ. Ўйлагани элдан қолмаслик.

Аммо кейинги пайтларда тўйлар қуюшқондан чиқиб кетди. Айниқса, никоҳ тўйларида соатига фалон сўм тўлаб ёлланадиган бир хил ранг ва маркалардаги ўнлаб қимматбаҳо машиналар қарвонининг кўчалардаги тартибсиз ҳаракати, тўй билан боғлиқ турли-туман кераксиз харажатлар, харажатлар, тўй дастурхонига тортилиб, ҳатто қўл ҳам урилмай увол бўлаётган ноз-неъматлар, келин-куёвга олинадиган кийим-кечалардан ташқари, қариндош-уруғ, қудандаларга совға қилиниши шарт бўлган ва нарх-навосини айтишга ҳам тил бормайдиган сарпо-суруқлар, тўйма-тўй кўтариб юриладиган кўрпа-тўшаклар, нархи «осмон»даги чет эл мебеллари, квартирау машиналарнинг қалитларини совға қилиш, асал ойини ўтказиш учун хорижий санаторияю чет эл саёҳатига йўлланмалар тортиқ қилиш...

Карнай-сурнай садолари остида базмгоҳга кириб келган келин-куёв устидан анвойи гуллар ўрнига даста-даста пул сочиш, улар оёғи остига пулдан поёндоз тўша, аммаю ходалар, амаки-тоғалар, хешу таборларни даврга чикариб, чаккаларига катта-катта, сиким-сиким пул кистириш, келин ёки куёв тараф бўлган сочи елкасидаю соқоли ҳафтада бир қиртишланмаган ёш-яланларнинг маст-аласт ҳолда беўхшов ҳаракатлар билан рақсга тушиб, даврани ҳеч кимга бермай чир айланашлари нафақат тўйчининг, ҳатто тўйхўрларнинг ҳам кўнглини айнитиб, жонини халқумига келтиради. Тўйларда иқтисодимиз таянчи, халқимиз ифтихори бўлган миллий валютамизга нисбатан қилинаётган салбий муносабат, нописандлик, кўр-намақлик ва уни очикчасига таҳқирлаш жиддий қораланиши, бунга иштиқаманд кимсаларга нисбатан кескин чоралар қўрилиши керак. Айниқса, миллий анъаналаримизга, ҳатто тўйларимизга сукулиб кириб келаётган «оммавий маданият»га хос гулдаста улоқтириш, келин дугоналарини бир хил кийинтириб кўз-кўз қилиш, одобсиз шоулар, шарқона ахлоқ-одобга зид бўлган «мухаббат тарихи» (*love story*) каби хунук одаларга эргашини бас қилиш керак. Ҳаммасидан ҳам ўтиб тушадигани тўй оқшомида, меҳмонлар олдидан келиннинг куёв билан ёки ўз отаси билан «вальс»га тушиши ҳеч бир ақлга ҳам, ҳеч қайси одоб-ахлоқ қоидасига ҳам сиймайди.

Ўзбекона миллий рақслар, қуйлар, қўшиқлар, ранг-баранг пайровли аския ва қизиқчиликлар, халқ дostonларини қуйлаш тўйларимизнинг асрлар давомидаги чиройи ва бетакор безагигина бўлиб қолмасдан, тўй иштирокчиларига шодлик, қувноқлик, хурсандчилик, яхши қайфият улашган, қатнашчилар онгу шуурига ўзбекона қадимий миллий кадриятларни сингдириб келган. Ҳозирги тўйларимизда эса катта-катта овозкучайтиричлар ёрдамида ресторани ағдар-тўнтар қиларли даражадаги ба-

ланд пардаларда ижро этилаётган бошқа тиллардаги тушунарсиз қўшиқлар тўйга келганингга минг пушаймон қилдиради. «Санъаткорлардан радио аппаратларидан тарқалаётган шовкин-суронни бир оз пасайтиришларини сўрасангиз, бунинг иложи йўқлигини айтишди. Муҳораба майдонидаги каби дахшатли шовкин-сурон (*буни мусиқа ёки қўшиқ деб бўлмади!*) қон босимингизни ошириб, танангиз совук терга ботади, юрагингизга санчик қиритиб, уни чангаллашга мажбур қилади. Тўйга келиб дам олмайсиз, азоб-уқубат тортасиз, бир илож келиб қариндошлик қарзингизни узасизу тезгина хайр-маъзурни насия қиласиз.

Тўйчиларимиз тонг сахардан – соат олтидан карнай-сурнай, доираю чирмандалар қалдириб, меҳмонларни нахор ошига чорлаши ёки кеч соат 23:00 дан сўнг ҳам қучайтирилган дамбур-думбур садолу ёқимсиз мусикаларни бас қилмасликлар и базмгоҳлар атрофида яшайдиган одамлар, беморлар, кексалар, болаларнинг тинчи бўлишига, соғлиқларининг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

Тўқликка шўхлик қилувчи «ихтирочи»лар томонидан ўйлаб топилиб, никоҳ тўйларида кўр-кўрона жорий этилаётган, миллий кадриятларимизга мутлако зид, турмушимизга мос келмайдиган янгича урф-одатлар авж олиб бораётгани ҳам бор гап. Фаргона водийсида никоҳ тўйидан сўнг қиз узатган хонадоннинг куёв томонга 40 кун турли таомлар ташиши, андижонликларнинг эса мана шундай кераксиз «мазар» удумида рию қилишлари, Хоразмда «қиз йўғин», «хина ёқар» каби ортиқча маросимлардан кўпчилик ота-оналар азизат қечмоқда. Миллий анъаналаримизга ёт бўлган, ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган тўйдан олдинги, тўй вақтида ва тўйдан кейинги қўшимча – «танишув», «рўмолча берди», «оқ ўрар», «сеп ёйди», «қуда таниш», «нон синдирди», «фотиха», «тўй юборди», «совға бериш», «ота кўрди», «ота келди», «қиз оши», «қола келди», «қатлама юборди», «сомса элтиш», «тоғора юбориш», «юз очар», «қарлар», «қуда чақирди», «куёв чақирди», «келин чақирди», «куёв навқари», «келин навқари», «келин салом», «куёв салом», «торт кесиш», «пул кистириш», «пул сочиш» каби кераксиз удумлар ва одаларга мутлако барҳам бериш керак.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашларининг қабул қилган қўшма қарори мамлакатимизда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланадиган тадбирлар ўтказиш борасида йўл қўйиб келинган камчиликлар ва нуқсонларга, мавжуд муаммоларга барҳам беради, деб ишонамиз.

Мардон БОЛТАЕВ,

Самарқанд давлат университети
доценти

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРАЛАБ...



Шарофиддин Тулаганов

14:55

Яна футбол ҳақида

Мен ашаддий футбол «жинниси» эмасман. Ахён-ахёнда томоша қилиб тураман. Аммо ўзбек футболига бефарқ эмасман.

Менинг фикримча, футболга ногўғри ёндашувимиз ўша машғум 1979 йил августда бошланган. «Пахтакор» ҳалокатга учраганидан кейин собиқ иттифоқнинг турли клубларидан кучли футболчиларни олиб келиш тажрибасидан фойдаланилди. Мақсад «Пахтакор»ни ўша йилги олий лигада сунъий равишда сақлаб қолиш эди. Аслида Ўзбекистонимизнинг ўзидан – кишлоқлардан, туманлардан, вилоятлардан энг яхши футболчиларни топишимиз керак эди. Эслайсизми, қашшоқ оиланинг фарзанди бўлмиш Пелени ҳам кўчада футбол ўйнаб юрганида тренерлардан бири учратиб қолади ва «Сантос» клубига таклиф қилади. Ахир кишлоқларимизда кўча футболда ажойиб ўйинлар кўрсатадиган болаларимиз сон мингта-ку?! Фақат уларга эътибор йўқ.

Биз программа минимум – жаҳон чемпионатиға чиқиш, Осиё чемпионатиға галаба қозониш, Олимпиадада иштирок этишни ният қилганмиз. Ният яхши. Аммо програмама максимум – том маънода футболни ривожлантиришимиз керак эмасми?

Истеъодли болаларни жалб қилиш керак. Терма жамоа таркибигади футболчиларга талабни кескин қилиб қўйиш керак. Уларнинг юлдузлик касалини тузатиш даркор. Энг асосийси ҳалол ўйин бўлса, футболимиз ўз-ўзидан ривожланиб кетади. Бунинг учун хориждан номдор тренерни олиб келишнинг кераги йўқ деб ўйлайман.

Ха, айтингча, футболчиларимизга, умуман мактаб ўқувчиларига, футбол ишқибозлари бўлмиш болаларга «Пеле: Рождение легенды» деган бадиий фильмни қайта-қайта томоша қилдириш керак. Иложи бўлса, мана шу фильм ўзбекчага таржима қилиниб, тез-тез (айниқса футболчиларимиз мағлубиятга учраганда) ТВда намойиш этиб борилиши керак.

Шарофиддин ТУЛАГАНОВ



Ҳамидбек Юсупов

19 ч.

Аччиққина ҳақиқат

Битта пайнетчи дўстим айтиб берганди: баъзида тармоқдаги узлишлар сабабли Пайнет ишламай қолади. Ушанда «Пайнет ишламаяпти» деган ёзувли катта плакатдан биттасини эшикка олиб қўйиб, иккинчисини столга қўйиб ўтирар экан. Шундаям одамлар ўша эшикни очиб кириб, ўша ёзувли қозғони четга суриб туриб, «Пайнет ишламаяптими?» деб сўрашар экан. Шунақа халқмиз-да...

Ҳамидбек ЮСУПОВ



Rais Buva

23:11

Милицияли тўйлар

Тўйларни милиция назоратида ўтказишни таклиф қилган сенаторга:

Тўйхона атрофини баланд панжаралар билан ўраб, олдида шлакбаум ўрнатиш. Тўйхонанинг олд эшикларини ёпиб, орқа томондан кирадиган қилиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Кейин орқа кириш эшикларини турникетлар билан жиҳозлаш керак. Меҳмонлардан таклифнома ва паспорт копиялари талаб қилиниши керак. Таклифномаларни фақат тўйхона кассасидан олишни йўлга қўйиш керак. Қўлга чиқиб кетган таклифномаларни қаттиқ назорат остиға олиш керак.

Кортеж ўрнига келин-куёвни Йўл Патрул Хизмати автотомобилларида олиб юрилса, ортиқча харажат ва кўнгилсизликлар олди олинган бўларди...

РАИС БУВА

ШОГИРДНИНГ ДАРСИ

Қадим замонда зулморлиги билан ном чиқарган бир ҳукмдор даврида кўпчилик илм аҳлига катта қирғинлар бўлган. Уша зулмлардан қочиб келаётган бир олим кишини собиқ талабаларидан бири кўриб қолибди. Олим вазиятни тушунтириб, яшириниш учун бир жой сўрабди. Шунда олимнинг мухлис шогирди уни шу ердаги бир вайронага яширибди.

Бир пасдан сўнг олимни қувиб келаётганлар шогирд олдиға етиб, ундан боғи киши ҳақида сўрашибди. Шунда шогирд ҳеч иккиланмай:

– Уларни кўрдим. Мана шу вайронага яшириндилар, – деб олим яширинган жойни аскарларга кўрсатибди.



Бу гапдан аскарларнинг хуноби ошибди:

– Сен бизни вақт йўқотиб шу вайронани титиб машғул бўлишимизни истаяпсан. Унгача қочок узоқлашиб, қўлимиздан чиқиб кетишини кўзлаясан, – дея шогирдини калтақлаб, яна олдинга равона бўлишибди.

Хавфдан омон қолган устоз вайроналар орасидан чиқиб, шогирдиға шундай дебди:

– Бу нимаси? Ахир ўзинг бизга беркиниш учун жой кўрсатиб, жонимизни асраб қолдинг. Яна нега яширинган жойимизни навкарларга айтиб бериб, бизни ўлимга рўбарў қиялпсан? Бундан мақсадинг нима ўзи?

Шогирд мулоимлик билан жавоб берди:

– Устоз, сиз бизга доим «бошингизга қилич келса ҳам рост гапиринг, шунда нажот топасиз», деб ўргатгансиз. Шунинг учун мен рост гапирдим ва чиндан ҳам биз нажотга эридик. Агар ёлғон гапириб, сизни «шу ердан ўтиб кетди», деганимда улар гапимнинг тескарисини қилиб, вайронани тинтишлари мумкин эди. Унда ҳар иккалаимиз ҳам ҳалок бўлардик.

Бу жавобни эшитган устоз ўзининг ростгўй шогирдидан мамнун бўлибди.

ТАБАССУМ

Суръат

– Курилишни жадаллаштириш керак! Тез-тез ишлаш лозим ва йил охиригача бинони топширинглар, – дебди курилишга келган комиссия раиси қурувчиларга топширик бериб. – Бир ойдан кейин иш суръатини яна келиб назорат қиламиз.

Комиссия бир ойдан кейин келиб кўрса, қурувчилар ўқдан-бу ёққа замбилларни кўтариб чопиб юришибди. Замбиллар бўм-бўш.

– Ха, замбиллардаги юк қани? – дебди комиссия бошлиғи жиғибирон бўлиб.

– Юк юклагша вақт йўқ, ака, жадаллаштириш бўйича топширик олгандан бери ишни жадаллаштиряпмиз, – дебди қурувчилар.

ЭЪЛОН

ЎзДЖТУ томонидан 1998 йилда Атаджанов Муроджон Ахмеджановичга берилган № 266193 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЖАВОҲИР

Максул
ШАЙХЗОДА

*Дўстлар, яхшиларни авайлаб асранг,
Салом деган сўзинг салмогин оқланг.
Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан
Уни тиригида бир соат йўқланг.*

ИНТЕЛЛЕКТ

Беморнинг «шериги»

Ҳиндистон тарихида бир пайтлар вафот этган эр билан бирга унинг аёлини ҳам гулҳанда ёқишгани ҳақида эшитгансиз. Қадимги Мисрда эса бирон киши касаллик туфайли вафот этса, у билан бирга яна бир кишини қатл қилишган.

Диққат савол: вафот этган бемор билан бирга қим қатл қилинган?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0 (371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2019 йил 19 сентябрь 39-сонига берилган саволнинг жавоби: аскарлар қимматбахо нарсалар билан безалган қуролларини осонликча ташлаб қочмаган.

ПАЗАНДАЛИК
МАРЖУМАКЛИ ОШ

Керакли масалликлар:

200 грамм мол гўшти, ярим килограмм маржумак (гречка), 2 дона картошка, 2 дона помидор, 3-4 дона пиёз, 2 дона қизил сабзи, 1 донадан 2 хил булғор қаламтири, 6-7 бўлак саримсоқ, кўкатлар.

Тайёрланиши:

Ҳамма масалликлар кераклича ҳажма майдалаб тўғралади. Қизиқ турган қозондаги ёққа пиёз солиб, новотранг бўлгунча қовурилади. Сўнг гўшт солинади. Бироз қовурилгач, помидор солинади. Яна бироздан сўнг картошка, сабзи, булғор қаламтири, саримсоқ ва кўкат кетма-кет солиб, қовурилади.

Тузи ростланиб, сув солинади. Сув ҳамма масалликларни кўмиб туришни шарт. Суви қайнаб чиққач, қозон таги олови пасайтирилади ва шу ҳолатда 30 дақиқа қайнатилади.

Тозалаб ювилган маржумак қозонга солиниб, олови баландланади. Бунда қозоннинг ҳамма томони бир хилда қайнашиға эътибор бериш керак. Суви тортилгач, қозон қолқоғи ёпилиб, олови ош дамлагандагидек пастаниб, 10-15 дақиқа димланади.

МУАССИСЛАР:

Буёнкарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси;
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»;
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компютерида терилди ва сахифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси бошмахонасида чоп этилди.
Бошмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмуҳамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Алишер Саъдуллаев, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмуҳамедов, Мухаммаджон Қуронон

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-топ кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буюртма: Г-937
ISSN 2181-6190
Алади: 2 885 нуска.
Нарҳи: келингув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.
Чоп этишга топширилди: 19:00

ISSN 2181-6190



4 772181 619005

1. 156